



International Journal for Innovative Engineering and Management Research

A Peer Reviewed Open Access International Journal

www.ijiemr.org

COPY RIGHT



ELSEVIER
SSRN

2020 IJEMR. Personal use of this material is permitted. Permission from IJEMR must be obtained for all other uses, in any current or future media, including reprinting/republishing this material for advertising or promotional purposes, creating new collective works, for resale or redistribution to servers or lists, or reuse of any copyrighted component of this work in other works. No Reprint should be done to this paper, all copy right is authenticated to Paper Authors

IJEMR Transactions, online available on 22nd Dec 2020. Link

[:http://www.ijiemr.org/downloads.php?vol=Volume-09&issue=ISSUE-12](http://www.ijiemr.org/downloads.php?vol=Volume-09&issue=ISSUE-12)

DOI: 10.48047/IJEMR/V09/I12/66

Title: **ТЕРМИЗ ШАРОИТИДА ЗАЪФАРОН – CROCUS SATIVUS L. ЎСИМЛИГИНИНГ ГУЛЛАШ БИОЛОГИЯСИ**

Volume 09, Issue 12, Pages: 360-363

Paper Authors

Назаралиева Маҳфуза Пардаевна, Бобоева Нодира Тухтамишовна



USE THIS BARCODE TO ACCESS YOUR ONLINE PAPER

To Secure Your Paper As Per **UGC Guidelines** We Are Providing A Electronic Bar Code

ТЕРМИЗ ШАРОИТИДА ЗАЪФАРОН – *CROCUS SATIVUS L.* ЎСИМЛИГИНИНГ ГУЛЛАШ БИОЛОГИЯСИ

Назаралиева Маҳфуза Пардаевна

Термиз давлат университети ўқитувчиси

MNazaralieva_1995@mail.ru

+998993684737

Бобоева Нодира Тўхтамишовна

Термиз давлат университети ўқитувчиси

Boboeva_76@mail.ru

+998912536853

Аннотация: Ушбу мақола Термиз шароитида ўстирилаётган элма заъфарон ўсимлигининг генератив фазаси кузатилди. Олинган маълумотлар асосида ўсимликнинг суткалик ва мавсумий гуллаш динамикаси тузилди.

Калит сўзлар: интродукция, фенофазалар, мавсумий гуллаш, суткалик гуллаш

Бугунги кунда инсон саломатлиги ва уни асраш муаммолари, мамлакатимизда ҳам энг долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Шу жиҳатдан мамлакатимизда инсон соғлиги учун фойдали хусусиятларни сақловчи қимматли ўсимликлар хом ашёсини ишлаб чиқариш ҳамда етиштириш йўллари тақомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бундай истиқболли ўсимликлар қаторига *Crocus sativus L.* – элма заъфарон ҳам киради. Ҳозирги вақтда Термиз шароитида *Crocus sativus L.* турини етиштиришнинг оптимал усуллари ишлаб чиқиш, саноат плантацияларини ташкил этиш, сифатли хом ашё тайёрлаш йўллари тақомиллаштириш илмий ва амалий аҳамият касб этмоқда.

Интродукция қилинаётган ўсимликларнинг вегетацияси давомида гуллаш босқичини ва бу босқичда амалга ошаётган жараёни ўрганиш уларни биологик ва экологик жиҳатдан тавсифлашга ёки эоинтродукцион таҳлил эта билишга имкон беради[3,4,5].

Crocus sativus турининг гули актиноморф – тўғри, симметрик, жуда чиройли ёрқин бинафша рангли, чўзилган параллел қора томирлардан иборат. Тескари тухумсимон қиррали ёки юмалоқ қисми эгилган, икки баргли бирламчи гул кини, гулкўрғон баргчаларининг узун цилиндрсимон найчасининг қоплаб олган тугунча асосидан ҳосил бўлади. Гулкўрғон баргчалари найчасининг узунлиги, тугунакпиезнинг экилиш чуқурлигига боғлиқ бўлади [2,6,7] А. Аскеровнинг (1934) маълумотиغا кўра, Апшерон шароитида тугунакпиезларни 5 см чуқурликда экилганда, гулкўрғон баргчаларининг қайрилган қисми 3,1 см узунликда ва эни 1,6 см ни ҳамда гулкўрғон найчасининг ер устки қисми 3 см ни ташкил этган. Тугунакпиезларни 15-20 см чуқурликда экилганда, гулкўрғоннинг узунлиги анча узунроқ (узунлиги 3,4 см ва эни 1,4 см) ва найча ер устки қисмининг узунлиги эса 3,4 см ни ташкил этган. Гулкўрғон найчасининг умумий узунлиги, тугунакпиезларнинг экилиш чуқурлигига қараб ўзгариб

туради, яъни 6 см дан 12 см гача. Чангчилари сони учта, тўғри, гулкўрғон баргчаларининг ташқи томондан қаршисида жойлашган. Чангчи иплари оқ, юқори томондан эркин, пастки қисми гулкўрғон найчаси билан қўшилиб кетган. Чангдонлари сарик, асос қисми ўқсимон, икки уяли, узунасига ёрилади. Уруғчиси 3 уяли, бир-биридан ажралган, учки қисми воронкасимон кўринишда бўлиб, 1,5-2 см узунликда [1].


Гуллаш фазаси энг асосий фаза ҳисобланиб, у ўзида барча фенофазалар боғлиқлиги ва ўсимликнинг янги муҳитга мослашишини мужассамлаштирувчи тизимдир.

Тажрибаларимиз 2018-2020 йилларда олиб борилиб, 2018-2019 йиллар мобайнида олиб борган тажрибаларимизда генератив фаза кузатилганлиги сабабли биринчи йил ўтказган экма заъфарон ўсимлигининг суткалик ва мавсумий гуллаш динамикаси кўрсаткичларига батафсил тўхталдик. Тадқиқотимиз объекти *C. sativus* турининг гуллаш фазаси муддатлари бўйича маълумотларни келтириб ўтамыз.

2018 йилда Термиз шароитида экилган *C. sativus* ўсимлигининг суткалик гуллаш динамикаси ўрганилганда, яъни гуллашининг бошланишида (29.10.) эрталаб соат 8:00-9:00 да ҳаво ҳарорати 10⁰С, ҳавонинг нисбий намлиги 71%, ёритилганлик 10500 люкс бўлганида 1 тупда 1 тадан гули очилди. Соат 10:00-13:00 ларда ҳаво ҳарорати 15⁰С, ҳаво намлиги 51%, ёритилганлик 86000-90000 люкс бўлганда, 1 туп ўсимликларда 1 тадан гул очилди. Соат 14:00 ва 18:00 ларда ўсимликларда гулларнинг очилиши


кузатилмади. Шундай қилиб, 1 кун давомида 2 дона гулнинг очилиши кузатилди.

Ялпи гуллаш даврида (01.11.) ҳолат куйидагича бўлди: эрталаб соат 8:00 да ҳаво ҳарорати 10-12⁰С, ҳавонинг нисбий намлиги 84%, ёритилганлик даражаси 18000 люкс бўлганда, 4 туп ўсимликда 1 тадан гул очилди. Соат 9:00-12:00 оралиғида ҳаво ҳарорати 13⁰С, нисбий намлик 56 %, ёритилганлик 45000-95000 люкс бўлганда, 3 туп ўсимликда 2 тадан гул очилди. Соат 13:00 дан 18:00 гача ўсимлик ғунчаларининг очилиши кузатилмади. Ўсимликнинг ялпи гуллаш даврида 1 кунда жами очилган гуллар сони 10 та ни ташкил этди.



***Crocus sativus* L. турининг суткалик гуллаш динамикаси**

Якуний гуллаш даврини (11.11.2018-йил) кузатганимизда, эрталаб соат 8:00 да 1 туп ўсимликда 1 та гул очилган бўлиб, бу вақтда ҳаво ҳарорати 17⁰С, нисбий намлик 85 %, ёритилганлик 10000 люксни ташкил қилди. Қолган соатларда ўсимликда очилган гуллар кузатилмади ва кун давомида фақат 1 та гулнинг очилганлиги маълум бўлди.



Crocus sativus L. турининг мавсумий гуллаш динамикаси

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, биринчи йилдан ўсимликнинг генератив фазага ўтганлиги, гуллаш жараёнини тўлиқ ўташи, унинг интродукция шароитига тўлиқ мослаша олганлигини кўрсатади. Бу эса ўз навбатида *C. sativus* ни Термиз шароитида ўстириш ва етиштириш имконияти мавжудлигидан далолат беради. *C. sativus* нинг виргинил даври давомийлиги 8-9 ой, генератив даври эса 12-14 кун, умумий вегетация даври бир мавсумда *C. sativus* – 215-220 кун давом этди. Термиз шароитида гуллаш жараёни об-ҳаво шароитларига боғлиқ бўлиб, ҳаво ҳароратининг пасайиши, нисбий намликнинг кўтарилиши билан очилган гулларнинг сони орта бориши аниқланди. Кун давомида энг кўп очилган гуллар сони соат 8:00-11:00 оралиғига тўғри келди. Бунда *C. sativus* учун ҳавонинг ҳарорати 13-15°C ва ҳавонинг нисбий намлиги 50-56% ни ташкил этди.

C. sativus уруғ ҳосил қилмайдиган стерил ўсимлик бўлгани сабабли кўпайтириш учун тугунакпиезлардан фойдаланилади. Тугунакпиезларни экиш муддати ва меъёри, экиш чуқурлиги, қатор оралиғи, ўсимликларни парвариш қилиш, бегона ўтлардан тозалаш, агротехнологик тадбирларни тўғри

ташкил этиш ўсимликдан юқори ҳосил олишни таъминлайди. *C. sativus* нинг куз ойларида гуллаши, битта гулнинг гуллаш давомийлиги 4 кунни ташкил этиши, генерация ва вегетация давридаги юқори манзаралилигини ҳисобга олиб, атроф муҳитни кўкаламзорлаштириш мақсадида фойдаланиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Аскеров А. Шафран. Азернешр. Баку. 1934. 113 с.
2. Бегматов А.М., Сатторов А.С. Bioecological properties of *Stevia rebaudiana* Bertoni in introduction conditions. The American Journal of Agriculture and Biomedical Engineering. Volume 2 Issue 10, 2020. -P. 63-68.
3. Begmatov A. M., Rakmatova M.U. Bioecological properties of *Helianthus tuberosus* in introduction Conditions. The American Journal of Agriculture and Biomedical Engineering. Volume 2 Issue 11, 2020. -P. 82-85.
4. Mahmudov A.V. Crocus L. turkumi ayrim turlarining turli xil sharoitdagi introduksiyasi. Тошкент, 2012. 7-40.
5. Жумаев Х., Назаралиева М. "Some bioecological characteristics of crocus *Sativus* L. cultivation growing in Termiz conditions" International journal for Advanced research in Science & Technology 17.07.2020. 92-95 бетлар
6. Сатторов А.С., Бегматов А.М. Bioecology of *melissa officinalis* plant In Introduction conditions. The American Journal of Agriculture and Biomedical Engineering. Volume 2 Issue 10, 2020. -P. 69-73.
7. Шерқулова Ж.П., Мустафоев И.М., Иминова М.М, Сатторов А.С. Species, host range and geographical distribution of microfungi (dothideomycetes) on introduced



International Journal for Innovative Engineering and Management Research

A Peer Reviewed Open Access International Journal

www.ijiemr.org

trees and shrubs in southern Uzbekistan.
Iranian journal of botany, 25 (1), 2019. DQI;
10.22092. ijb.2019.115956.1187. –P. 72-77.